

ВИРТУАЛ НУТҚИЙ ЖАНРЛАРДА ЖАМОАВИЙ НУТҚНИНГ ЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17096228>

Валиев Элёржон Илхомжон ўғли
Қўқон Давлат Университети тадқиқотчиси

Аннотация

Замонавий тилшуносликда виртуал нутқий жанрларнинг лингвистик хусусиятлари ўзига хос бўлиб, бугунги кунда ўзига хос тадқиқотларни юзага келтирмоқда¹³. Виртуал нутқий жанрларда шахсий индивидуал ва жамоавий нутқни фарқлаш виртуал нутқий этикетни тушунишда муҳим аҳамиятга эга.

Калит сўзлар

виртуал жанрлар, мессенжерлар, шахсий чат, нутқий услуб, қисқартмалар, смайликлар, стикерлар.

Шахсий нутқ одатда виртуал жанрларда бир киши билан мулоқот, ўз фикрини ифода этиш ёки шахсий муносабат билдириш мақсадида қўлланилади. Бунда «мен» ва «сиз» мурожаатлари кўп ишлатилиб, эмоционал ифодага бой бўлиши мумкин, нисбатан эркин услубда бўлади. Одатда мессенжерлар, шахсий чат (Telegram, WhatsApp кабилар), блоглар, AI чатботлар билан мулоқотда қўлланилади. Шахсий нутқ виртуал жанрларда, асосан, фойдаланувчининг ўз фикрини, ҳис-туйғуларини ва шахсий муносабатини ифода қилади. Унинг асосий лингвистик хусусиятлари «мен» ва «сиз» шаклларидаги мурожаатлар, нутқий услуб, қисқартмалар ва баъзан ёзма мулоқотдаги эмоциялар (смайликлар, стикерлар) қўлланилишидир. Шахсий нутқ кўп ҳолда нутқий, эркин ва ифодага бой бўлиб, шахсий блоглар, чатлар, ва AI чатботлар билан мулоқотда кенг қўлланилади.

Сўз **танловида** «менимча», «мен ҳис қиламан», «менга қизиқ» каби шахсий муносабат билдирувчи сўзлар, эркин **интонация**, сўзлар орасидаги қисқартмалар, стикерлар ёки смайликлар бўлиши мумкин.

Жамоавий нутқ гуруҳлар, жамоалар ёки кенг аудитория билан мулоқот қилишда ишлатилади. У кўпроқ онлайн дарслар, вебинарлар, электрон хатлар (иш жойида), виртуал йиғилишлар, чат-группалар,

¹³Баева Л. Виртуальная коммуникация: классификация и специфика. Известник Саратовского университета. Философия, педагогика, психология, 2014, №14, вып 4. С 5-9; Баева Л. Виртуальная коммуникация: особенности и этические принципы. Философские науки. 2015 (10), с 94-110; Баева Л. Электронная культура: опыт философская анализа//Вопросы философии. 2013. №5, с 75-83.

форумдаги чиқишлар, расмий чатларда учрайди. Бунда "Биз", "сизлар", "ҳамма", "ҳурматли қатнашчилар" каби кўплик шахсдаги муурожаатлар ишлатилади.

Виртуал жанрларда **шахсий нутқ** эркин, ифодага бой ва шахсга йўналтирилган бўлади. **Жамоавий нутқ** эса расмийроқ, умумий манфаат ва ҳамкорликка қаратилган бўлади. Ҳар икки нутқ тури контекстга мослашади: шахсий блогда шахсий нутқ тўғри келса, онлайн дарсда жамоавий нутқ талаб этилади.

Виртуал жанрларда **шахсий нутқ** шахсий фикр ва муносабатни баён этишда, **жамоавий нутқ** эса умумий ахборот, илмий ёки расмий муурожаатларда муҳим аҳамият касб этади. Телеграм каналларида ташкил қилинган гуруҳларда жамоавий нутқ ўзига хос бўлиб, адресант бир киши, адресатлар кўпчилиқни ташкил қилади. Бунда муайян вазиятда полилогик нутқ асосида юзага келган вазиятда шахсий нутқ орқали тингловчилар ўз фикрини баён қилишлари ҳам мумкин. Жамоавий нутқ иштирокида юзага келган нутқий вазиятларда ижтимоий мақомни ҳисобга олиш жуда муҳим. Бу ерда адресант ва адресатлар ўртасидаги мулоқот раҳбар-ҳодим, кекса-ёш, профессор-талаба каби иерархик муносабатларни инобатга олган ҳолда шакллантирилади, жамоавий ва шахсий нутқнинг ижтимоий лингвистик хусусиятларини инобатга олиб сўзлаш маданиятини юзага келтиради. Масалан, қуйида келтирилган мисолда илмий даражали адресатлар ва оддий ҳодим ўртасидаги виртуал мулоқотда қуйидаги лексик, грамматик ва синтактик хусусиятлар шахсий ва жамоавий нутқни шакллантиришда қўлланилган.

1) Оддий ҳодим мақомдаги адресант:

1. Саломлашув: *Ассалому алайкум,*

Эълон: *мустақил изланувчиликка қабул қилинаётганларда сўралаётган хужжатлар:*

Илмий раҳбарнинг унвон ва даража дипломлари;

Розилик хати тасдиқланган ҳолда;

Илмий раҳбарнинг паспорти.

Илтимос шаклидаги расмий буйруқ: *Шу хужжатларни зипланган ҳолатда изланувчининг исми ва фамилияси номланган ҳолатда жўнатишингиз сўралади. Белгиланган муддат: 24-25-февраль. Шу вақт оралигида тайёрлаб беришингиз сўралади.*

2) Саломлашув: *Ассалому алайкум, ҳаммага,*

Илтимос шаклидаги расмий буйруқ: *кимга буйруқдан кўчирма керак бўлса, бўлимга учрашингиз сўралади.*

3) Мурожаат: Ҳурматли докторантлар,

Илтимос шаклидаги расмий буйруқ: ушбу жадвални 5-май санасига тўлдириб беришингиз сўралади. Топириқни олганлар изоҳ қолдиришингиз сўралади.

4) Мурожаат: Ҳурматли докторантлар,

Илтимос шаклидаги расмий буйруқ: ушбу жадвални 12-май кунигача қилиб беришингиз сўралади.

5) Мурожаат: Ҳурматли изланувчилар,

Илтимос шаклидаги расмий буйруқ: режаларингиз тасдиқланганини ташлаб беришингиз сўралади PDF вариантда зудлик билан.

Кўринадики, саломлашув, мурожаат, эълон, илтимос шаклидаги расмий буйруқ нуткий актлари жамоавий нуткий мулоқотни ташкил қилишда фаол қўлланилмоқда. Ушбу нуткий вазиятда адресатларнинг мақоми ижтимоий жиҳатдан юқори бўлганлиги боис ушбу гуруҳ аъзоларига илтимос шаклидаги буйруқ усулида мурожаат қилинмоқда. Ушбу адресатларнинг жавобида ҳам хўп, тушунарли каби қисқа жавоб репликалари қўлланилади, айрим ҳолатларда ҳеч қандай репликасиз сўралган ҳужжатлар жўнатилади. Жамоавий нутққа асосланган ушбу виртуал нуткий жанрдаги гиперхажмли матн оддий ходим+адресатлар нутқи ва жамоа вакиллариининг полилогик нутққа оид ўзаро суҳбати нутқларидан ташкил топади. Бунда расмийлик муҳим бўлса-да, айрим ҳолатларда инверсия кузатилади. Масалан, режаларингиз тасдиқланганини ташлаб беришингиз сўралади PDF вариантда зудлик билан каби.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги рақамли даврда инсонлар ўртасидаги мулоқот турлари тобора виртуал шаклга ўтмоқда. Мессенжерлар, ижтимоий тармоқлар, чатботлар, онлайн дарслар ва вебинарлар — буларнинг барчаси “виртуал нуткий жанрлар” сифатида шаклланмоқда. Ушбу жанрлардаги тил услуги алоҳида таҳлилни талаб қилади, айниқса, **шахсий** ва **жамоавий нутқнинг** қандай ифода топаётгани бу соҳада муҳим тилшунослик масаласидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. Баева Л. Виртуальная коммуникация: классификация и специфика. Известник Саратовского университета. Философия, педогогика, психология, 2014, №14, вып 4. С 5-9.
2. Баева Л. Виртуальная коммуникация: особенности и этические принципы. Философские науки. 2015 (10), с 94-110.

3. Баева Л. Электронная культура: опыт философская анализа // Вопросы философии. 2013. №5, с 75-83.
4. Yigitaliyeva, S. (2023). KOGNITIV TILSHUNOSLIK VA UNDA KONSEPT TUSHUNCHASINING IFODALANISH. *Scienceweb academic papers collection*.
5. Yigitaliyeva Shohsanam. LINGUISTIC VIEWS ON WORD FORMATION; INNOVATIVE DEVELOPMENTS AND RESEARCH IN EDUCATION 282-285
6. Dildora, B. va Shohsanam, Y. (2025). SODDDA NUTQIY TADQIQOTLARDA YANGI YANLASHISHLAR. *FARS xalqaro ta'lim, ijtimoiy va gumanitar fanlar jurnali*. , 13 (5), 634-638.